



# ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика тижорат банклари томонидан пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва омонатларнинг янги жозибдор турларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли ва хўжалик субъектларининг банклардаги жамғармаларининг янада ошишига имкон яратмоқда.

Кўрилган мазкур чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йилгида аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари ҳажми 1,8 бараварга ўсиб, 1 июль ҳолатига 2 трлн. 190 млрд. сўмга етди.

Тижорат банклари активлари

“Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, шакллантирилган захиралар билан бирга, 14 трлн. 865 млрд. сўмдан ёки аҳоли ва хўжалик субъектларидан жалб қилинган депозитлар микдоридан деярли 2 бараварга ошди.

Хозирги кунда банк активлари сезиларли даражада ўсганлигини ҳисобга олиб, аҳолининг банклардаги барча турдаги омонатлари 100 фоиз давлат томонидан кафолатланган.

Ўз навбатида, банк тизими Президентимиз томонидан белгилаб берилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши

доирасида иқтисодийнинг реал сектори корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича сезиларли молиявий кўмак кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, бугунги кунда 78 та банкрот корхона молиявий соғломлаштириш мақсадида тижорат банклари балансига олинган. Шундан 30 та корхона техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватлари тикланиши таъминланган, банклар томонидан янги инвесторларга сотилган.

Сотиб олинган корхоналарга уларнинг янги мулкдорлари томонидан 85 млрд. сўмдан ортиқ маблағ

лар инвестиция қилинди ва 9 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

Хисобот даврида экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун 12 ой муддатга ва йиллик 9,8 фоиз ставкасида (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизи) банклар томонидан берилган имтиёзли кредитлар ҳажми 81 млрд. сўмдан ошди.

Экспорт қилувчи стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик 29 та корхонанинг 122,6 млрд. сўмлик банк кредитлари реструктуризация қилинди.

Хисобот даврида банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 бараварга ошди ва 937,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Хусусий тадбиркорларга берилган микрокредитлар ҳажми 3 бараварга ошиб, 190 млрд. сўмга етди.

(ЎЗА).

# ФИДОЙИЛИК ЭЪЗОЗЛАНГАН ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

**АНДИЖОН.** Вилоят деҳқонлари галла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини жорий йилда мамлакатимизда биринчи бўлиб бажардилар. Бунда, айниқса, Олтинқул тумани фермерларининг улуши салмоқли бўлди.

Кўни кеча ушбу туман сайилгоҳида ўтказилган маданий-маърифий тадбир галлакорларнинг меҳнат муваффақиятларига бағишланди. Унда деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари, илгор қишлоқ меҳнатқашлари, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Бу йил тумандаги 184 та фермер хўжалиги 4765 гектар майдонда ҳудуд iklim шароитига мос сёрхосил галла навини парваришладилар. Агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли бажарилиши тўғрисида, табиат инжиқчиларига қарамай, мўл галла етиштирилди: хосилдорлик гектарига 64,3 центнерни ташкил қилди.

Тадбирда юқори хосилдорликка эришган, шартнома мажбуриятини ошириб бажарган илгор фермерларга қимматбахо совғалар топширилди.

Сўзга чиққан фермерлар Президентимиз табригида билдирилган ишончни оқлаб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида, жумладан, пахтачиликда ҳам юқори ҳосил етиштиришга аҳд қилганларини алоҳида таъкидладилар.

**КАШКАДАРЁ.** Кеча вилоятнинг Чироқчи тумани марказида ташкил этилган “Ҳосил байрами” фермеру деҳқонлар учун унутилмас воқеа бўлди. Зеро, бу туман фермерлари жорий йилда 32 минг тонна ўрнига қарий 38 минг тонна галла йиғиштириб олиб, шартнома мажбуриятини 120 фоиз бажардилар. Ҳар гектар галлазордан эса 62 центнердан хирмон уюлди.

Тадбир давомида илгор фермерларга ташкилотчилар томонидан қимматбахо совғалар топширилди.

Шу кунги галлакорлар меҳнат зафарига бағишланган тантана Китоб туманида ҳам бўлиб ўтди.

**БУХОРО.** Вилоятнинг Бухоро тумани галлакорлари учун, айниқса, бу йилги галла мавсуми муваффақиятли яқунланди. Улар 5 минг 512 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, қабул пунктларига 17 290 тонна дон топширилди. Ҳар гектар ердан 57,6 центнердан хосил олинди.

“Боғикалон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги сўлим масканда туман аҳолиси иштирокида “Ҳосил байрами” ўтказилди. Тадбирда “Шухрат”, “Латиф ўғли Лазиз”, “Темир Фаниев” сингари бир қатор илгор фермер хўжаликлари раҳбарларига қимматбахо совғалар берилди.

**СУРХОНДАРЁ.** Шеробод тумани деҳқонлари учун бу йилги галла мавсуми барақали бўлди. Қабул пунктларига 35 минг 83 тонна сара дон топшириб, юзлари ёруғ бўлган дала меҳнатқашлари ўз муваффақиятларини катта тантана билан нишонладилар.

Умуман, жорий йилда туман бўйича жами 65 минг тоннадан ортиқ галла хирмони бунёд этилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 10 минг тонна кўпдир. Натижада ҳонадонларга тонналаб бугдўй тарқатилди. “Ҳосил байрами” да айнан шулар ҳақида сўз юритилиб, қўлга киритилган ушбу ютуқ мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида галла мустақиллигига эришилганининг амалдаги тасдиғи сифатида эътироф этилди. Кўпни кўрган кексалар эса, дўғро қўл очиб, тинчлигимизга, фаровонлигимизга кўз теғмаслигини сўраб, ният қилдилар.

Тадбирда вилоят галла хирмонига “Одил”, “Шайман бобо”, “Хумо”, “Иймон-Ихлос-Файз”, “Аҳмадул Ботиров” каби юзлаб фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

**ЖИЗЗАХ.** Арнасой туманида бу йил 392 та фермер хўжалигининг 387 таси галлачилик билан шуғулланди. Пировардида улар давлатта 27 минг 200 тоннадан зиёд галла сотиб, шартнома мажбуриятини вилоятда биринчи бўлиб ундадилар.

“Олтин водий” маданият саройида галлакорларнинг меҳнат муваффақиятига бағишлаб ўтказилган тантанани минглаб арнасой

ликлар қатнашдилар. Тадбирда мамлакатимизнинг юксак галла хирмонига муносиб ҳисса қўшган фермер хўжаликлари раҳбарлари, ишчи-хизматчиларига эсдалик совғалари улашди.

Президентимизнинг галлакорларга йўллаган табригини ўқиб, деҳқонларга оталарча гамўрлик ва эътибор кўрсатилаётганини яна бир қарра хис этдик, — дейди “Фароғат опа” фермер хўжалиги раҳбари Шукрулло Шумуродов. — Бугунги байрам, айниқса, биз, деҳқонларни руҳлантириб, янги марраларни забт этишга даъват этди.

**НАМАНГАН.** Поп туманидаги амфитеатрда бўлиб ўтган тантанани сўз олган фермерлар, комбайн операторлари, ишчилар давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табригини зўр мамнуният билан қабул қилганларини изҳор этдилар.

Бу бежиз эмас. Жорий йилда поплıklar 10 минг 430 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 46 центнердан хосил олишди. 12 минг тонна дон фермерларнинг ўзларида қолди. Тадбирда барақали хирмон кўтарган “М. ота Фаёзов”, “Зухриддин МХЖ”, “Сиддикжон” сингари фермер хўжалиklarнинг меҳнатлари алоҳида тилга олинди, уларга қимматбахо совғалар топширилди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Бу вилоят галлакорлари давлатга дон топшириш шартнома мажбуриятини ортиги қилиб ундадилар. Улар қабул пунктларига қарий 303 минг тонна сара дон топширдилар. Хосилдорлик ўртача 52,6 центнерни ташкил этди.

— Қўлга киритилган ютуқлар замирида, табиийки, вилоятдаги беш мингга яқин фермер хўжалиги аъзоларининг самарали меҳнати мумкин, — дейди вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудири А. Болтабоев. — Аслида, бу мамлакатимиз раҳбарининг фермерликни ривожлантиришга қаратаётган юксак эътибори вилоятимизда ҳам ўз самарасини бераётганидан далолатлар.

Бугун вилоятнинг қайси гўшасига борманг, энг азиз, энг улғу байрамимиз олдидан, шунингдек, деҳқонларимизнинг меҳнат галабарига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, қизқаргли учрашув ва мулоқотларга гувоҳ бўласиз.

Янгиёул туманидаги “Нибёбоши” қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда тумандаги деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари, илгор қишлоқ меҳнатқашлари, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

— Юртбошимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиз галлакорларига йўллаган табригидаги самийи сўзлар барчамизнинг кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўши, — деди тадбирда сўзга чиққан “Турсуной зибё” фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Раҳматуллаев. — Кейинги йилларда жаҳон миқёсида галлачилик соҳасида бир қатор қийинчилик ва муаммолар юзага келиб, дон маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда галлачиликда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳаммамизни қувонтираётди. Юртимизнинг галла мустақиллигига эришгани, галла тайёрлаш ҳажми мунтазам ўсиб бораётгани, даладоримизда етиштирилган дон экспортга ҳам чиқарилаётгани қалбимизни фахру ғурурга тўлдириб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамламоқда. Бу йилги улкан галабада, айниқса, бизнинг ҳиссамиз ҳам борлигидан бахтиёримиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда галлачиликда эришилаётган муваффақиятлар, фермерлар учун яратилган шарт-шароит ва кулай имкониятлар, ортиб бораётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари хусусида тўхтадилар. Туман галла хирмони усқалишига муносиб улуш қўшган фермер хўжаликлари раҳбарларига эсдалик совғалари топширилди.

Шоирлар Ватан, тинчлик ва меҳнатни тараннум этувчи ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, қизқаргли сахна кўринишлари йилгиларда катта таассурот қолдирди.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

# СОЛИҚ ФАОЛИЯТИНИНГ САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг ярим йиллик яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ўтган давр мобайнида солиқ идоралари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида бажарилиши зарур бўлган долзарб вазифалар белгиланди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бюджет (134,8 фоиз) ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари (141,5 фоиз) ту-

шумларида сезиларли ўсиш суръатлари қайд этилди.

Шундай бўлса-да, мазкур йўналишдаги ишларда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ўтказилган ўрганишлар мисолида таҳлил этилди. Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида бу борадаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани танқид қилинди.

Ҳайъат йиғилишида солиқ қарздорликларини қисқартриш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Навоий, Сирдарё, Андижон, Хоразм, Жиззах, Наманган, Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар танқиди ҳақида баҳоланди. Жорий йилнинг 1 августидан энг кам йил ҳақи микдори 1,25 баробар-

га оширилиши муносабати билан нақд пул тушуми бўйича назорат ишларини кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, солиқ тўловчилар орасида мамлакатда юриштирилган солиқ сийсати, Ўзбекистон Президентини ва ҳукуматининг соҳага оид қарорлари бўйича тарғиб-ташвиқ ишларини янада кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали ахборот-маслаҳат йўналишидаги чиқишлари кўпайтириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида мавжуд солиқ имтиёзларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш юзасидан зарур таъсия ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Давлат солиқ органлари фаолиятида солиқ қончилигига риоя этилишининг аҳоли бўйича киритилган тақдимомага

асосан, аниқланган хато ва камчиликлар муҳокама этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятлари давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Мазкур масала бўйича ўтказилган хизмат текширувлари натижаларига кўра, 12 нафар ҳудудий солиқ инспекциялари раҳбар ҳодимларига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўйиланди.

Ҳудудий солиқ инспекциялари раҳбар ҳодимларига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўйиланди.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

## Танлов

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда ишловчи натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти тобора ривожланиб бораётган. Бунда, айниқса, ёшларнинг фаол иштирок этиши кувонарлидир.

## ЁШ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини ҳамда мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш мақсадида республика Савдо-саноат палатаси ҳамда “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда бир неча йилдан буён ўтказиб келаётган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” номли бизнес лойиҳалар танлови бу борадаги ишларни янада жонлантиришга хизмат қилмоқда. Бундан ўтган йили танловда 1652 нафар ёш ўз лойиҳаси билан иштирок этгани ва уларнинг 952 нафарига банк томонидан 1 миллиард 904 миллион сўм микдорда микрокредитлар берилганидан ҳам билиш мумкин.

Яқинда ушбу танловнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича минтақавий босқини ўтказилди. Яқинда кўра, жами 700 нафар танлов иштирокчиси орасидан республика босқинига йўллангани кўлга киритган 25 нафар ёш тадбиркорнинг 10 нафари галиб бўлиб, улар кредит олиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Айниқса, олтиликлик ёш тадбиркор Қамолдин Юсуповнинг пахтани қайта ишлаш, Қарши шаҳрилик Гўлжа Аҳмедованинг тикуччилик йўналишидаги, Наманган шаҳрилик Исламбек Қўбдидиновнинг бетон ва гипслни ноанъанавий усулда ишлаб чиқариш лойиҳаси самарадорлиги боис ташкилотчилар томонидан юқори баҳоланди.

Айни пайтда қолган минтақаларда ҳам галибдорлик аниқлаш ва энг иқтидорларини кредит олишлари учун “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкига тақдим этиш ишлари олиб борилаётган.

Дилноз УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ИЛГОР ҒОЯЛАР ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ УЙҒУНЛИГИ

ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга хизмат қилмоқда

## Модернизация

Маҳсулот ишлаб чиқаришда, аввало, унинг сифати халқро меъёр ва талабларга жавоб берсагина, яхши самарадорликка эришилади. Хўжайли туманидаги “Хўжайли гўшт” масъулияти чекланган жамиятида ана шу тамойилга жиддий эътибор қаратилаётгани натижасида бу ерда тайёрланаётган гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорлар кўпайиб бормоқда.

Албатта, бозорда эътироф этилиш осон эмас. Бундан унун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мукаммал ўзлаштириш, мижозлар билан тузилган шартномаларга оғишмай риоя қилиш лозим. Жамиятда бунга жиддий аҳамият берилаётгани ҳамда инновацион ғояларнинг амалиётга изчил татбиқ эти-



лаётгани муваффақиятлар омилли бўлмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда корхонада технологияларни янгиллаш мақса-

да нақд пул тушуми бўйича назорат ишларини кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, солиқ тўловчилар орасида мамлакатда юриштирилган солиқ сийсати, Ўзбекистон Президентини ва ҳукуматининг соҳага оид қарорлари бўйича тарғиб-ташвиқ ишларини янада кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали ахборот-маслаҳат йўналишидаги чиқишлари кўпайтириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида мавжуд солиқ имтиёзларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш юзасидан зарур таъсия ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Давлат солиқ органлари фаолиятида солиқ қончилигига риоя этилишининг аҳоли бўйича киритилган тақдимомага

асосан, аниқланган хато ва камчиликлар муҳокама этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятлари давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Мазкур масала бўйича ўтказилган хизмат текширувлари натижаларига кўра, 12 нафар ҳудудий солиқ инспекциялари раҳбар ҳодимларига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўйиланди.

Ҳудудий солиқ инспекциялари раҳбар ҳодимларига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўйиланди.

Ҳудоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Пойтахтимизда «Меҳр нури» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари ҳамкорлигида таъсис этилган «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун грантлар» дастурининг иштирокчилари учун семинар ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигини истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини оши-

риш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тадбиркор аёлларни кўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиди. Бу вазифаларни амалга оширишда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга, жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Меҳр нури» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги маъқеини янада юксалтиришга йўналтирилган бир қатор лойиҳаларини, грант-дастурларни изчиллик билан амал-

га ошириб келмоқда. «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун грантлар», «Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш учун грантлар» дастурлари ана шундай лойиҳалар сирасидан. Ушбу дастурлар орқали хотин-қизларга меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳамда касаначиликни кенг ривожлантириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Семинарда тадбиркорлик, фермерлик оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, бизнес-режа тузиш, молиявий грантлардан самарали ва унумли фойдаланишга оид масалалар хусусида иштирокчиларга атрафлича маълумот берилди.

Нозоқот УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

# «ЎЗБЕКИСТОН БУТУН МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

давлатчиликни яратди, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил борди.

Ўзбекистон бошқа давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда, уларнинг ички ишларига аралашмай, куч ишлатмаслик ва таҳдид соқмаслик тамойилга қатъий риоя қилиб келмоқда. Тинчлик ва халқро хавфсизликни сақлаш, давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳамда атраф-муҳитни муҳофаза қилиш учун сай-ҳаракатлар олиб бораётди. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ҳимоя қилишда, кўп томонлама ташқи сийсатини амалга ошириш — давлатимизнинг суверенитетини мустаҳкамлашнинг иқтисодий қийинчиликларини енгиштириш, халқимиз ҳаётини янада яхшилашнинг муҳим воситаси ва зарур шартдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда

Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ана шу кўп йўналишли ташқи сийсатнинг ижобий натижаларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Ҳозирда мамлакатимиз дунёнинг кўпгина давлатлари ва нуфузли халқро ташкилотлари билан жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаол, сермахсул ва Узаро манфаатларга асосланган ҳамкорлик ўрнатган. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган юзлаб қўша, хорижий корхоналар, шунингдек, бошқа давлатларда ишлаб турган Ўзбекистон иқтисодий тузилмалари фикримизга дадил бўла олади.

Бу муваффақиятлар жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган кучли миллий иқтисодиётини шакллантириш йўлидаги кенг қўламли ишларнинг бир қирраси, ҳолос. Шунингдек, табиий ресурслар ва иқтисодиёт жамиятини кенг миқёсда модернизация қилиш жараёнлари ижтимоий йўналиштирилганлиги билан аҳамиятлидир. Танланган йўналишнинг нечоғли тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи

қўрсатиб турибди. Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз тобора кучайиб бораётган бир даврга ижтимоий масалаларини, айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошираётган давлат

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Күёш тутилади

Бугун сайёрамизда асримиздаги энг узун күёш тутилиши кузатилади.

"La Repubblica" газетасида ёзилишича, табиатнинг бу ўзига хос синоати 6 дақиқаю 39 сония давом этади. Күёшнинг тўлиқ тутилиши Хиндистон, Хитой ва Япониянинг жанубий оролларида кўриш мумкин бўларкан. Қолган давлатларда, хусусан, МДХ мамлакатларида эса бу ҳолат (куннинг биринчи ярмида) қисман қайд этилиши ай-

тилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, яна худди шундай ҳодиса 2132 йилда такрорланар экан.

Этиборлиси, айрим давлатларда күёш тутилиши баҳонасида мўмай даромад ортириш йўллари ҳам ўйлаб топилди. Масалан, Хиндистонда кизикувчиларга бу жараёни самолётдан туриб кузатиш таклиф этилди.

## Навбатдан ташқари сайловлар

Япония Вазирлар Маҳкамаси мамлакат куйи парламентини тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди.



"Kyodo News" нашри тарқатган хабарга қараганда, энди навбатдан ташқари умумхалқ сайловлари шу йилнинг 30 августида бўлиб ўтади. Мамлакат Бош вазир Таро Асонинг бу қарорига муҳолиф партия вакиллари норозилиklarини билдиришди. Уларнинг фикрича, Бош вазир ўзи етакчилик қилаётган Либерал-демократик партияга ён босмоқда.

## Техник носозлик оқибати

Гаити жанубида автобус ҳалокатга учради.

"Agence France-Presse" ахборотида келтирилишича, бахтсиз ҳодиса оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмган, қирққа яқин йўловчи жароҳатланган.



Ҳалокатга транспорт воситасидаги техник носозлик сабаб бўлгани айтилмоқда.

Воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилаётир.

## Кўмак бермоқчи

Исландия ҳукумати мамлакат банк тизимини тиклаш чораларини кўрмоқда.



Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўтган йилнинг кузига Исландия банклари фаолиятига жиддий таъсир ўтказганди. Ушундан бу ердаги

Учта йиллик молия муассасаси таназуулга учраб, халқаро кредиторлардан 60 миллиард АҚШ доллари миқдоридан қарз бўлиб қолганди.

"Euronews" телеканали маълумотига кўра, эндиликда ҳукумат ана шу учта банкни қайтадан капиталлаштиради. Бунинг учун Молия вазирлиги 270 млрд. Исландия кронаси (1,5 млрд. евро) миқдорида маблағ йўналтириши кўзда тутилган.

## Қарзи 14 миллиардга етди

"Bild" газетасининг (Германия) ёзишича, "Porsche Automobil Holding SE" автомобилсозлик компаниясининг жами қарзи 14 миллиард еврога етган.


Компания шу тармоқдаги бошқа корхонанинг "VW" акциялар назорат пакетини сотиб олиши тўғрисида шундай ахволга тушган.

Бошқа бир манбада эса "Porsche"нинг қарзи 10 миллиард евро миқдорида келтирилган.

## Тўфонга қарши янги лойиҳа

АҚШда тез-тез кузатиладиган турли довул ва тўфонларнинг олдини олиш мақсадида янги лойиҳа қўлланилиши мумкин, дея хабар беради "The Sunday Times" нашри.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда бу каби табиий офатларнинг асосий қисми океанда илиқ сувнинг кўпайишидан вужудга келади. Шунинг хисобига олиб, "Майкрософт" асосчиси Билл Гейтс янги қурилма таклиф этапти. У уммон ўртасига ўрнатилган ва сувнинг ҳароратини пасайтириб туришга хизмат қилади. Агар сув ҳарорати Цельсий бўйича 4,5 даражада музласа, тўфоннинг олди олинади.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ПЎЛАТ ЯНГИЛИК МУСТАҲКАМ ИШОНЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

масига кўра, 9 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Биз ўтган йилларда жамоамизга билдирилган юксак ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилдик. Ишни юк вагонларини таъмирлашдан бошлаб, барча турдаги юк вагонлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. 2006 йилда корхонамиз сифат менежменти тизимини жорий этишга эришдик. Кейинчалик ИСО 9001:2000 сертификати қўлга киритилди. Бу билан корхонамиз вагон куриш (очик ва ёпиқ вагонлар), юк вагонларини таъмирлаш ва уларнинг эҳтиёт қисмларини тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлди. Қисқаси, 2007 йилда 4 та вагон, 2008 йилда 15 та, 2009 йилнинг олти ойида эса 90 та вагон ишлаб чиқарилди. Кўриниб турибдики, бугунга келиб, заводимиз тўла-тўқис вагонсозлик корхонаси бўлиб шаклланди.

Ҳақиқатан ҳам, эндиликда завод бутунлай оёққа туриб олди. Корхонанинг улкан цехларини айлансангиз, осма кранларнинг ҳаракати, чўян печлар оловида пўлат ва темирни турли шакллarga киритаётган кувовчиларнинг шиддати, пайвандловчиларнинг моҳирона хатти-ҳаракати ақлингизни шошириб қўяди. Айниқса, пайвандлашнинг автоматлаштирилган мосламаларини кўриб,



таажжубга тушасиз.

— Бу янги технология, — дейди пайвандловчи Равшан Абдусаматов. — Вагон қопламаларини улаб чиқишда махсус симдан фойдаланамиз. Бунинг учун катта маҳорат талаб этилади, албатта.

Айтиш жоизки, корхонада юзлаб пайвандловчилар меҳнат қилишяпти. Уларнинг аксарияти навқирон йигитлар. Хусусан, сўхбатдошимиз Равшан эндигина 20 ёшни қаршиляпти. Коллежни тамомлаб, йўлланма асосида ишга келган. Маоши 400 минг сўмдан ошади. Кувонарлиси, корхонада ўзбек пайвандлаш мак-

табининг янги, донгдор авлоди вояга етаяпти. Уларнинг бир қисми Патон номлидаги институт (Киев)да, Санкт Петербургдаги пайвандлаш олий даргоҳида малака ошириб келишган.

Бугун корхонада 1100 киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида улар томонидан 8 миллиард 473,9 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Жумладан, 38 та юк вағони таъмирланди. 31 та тўсини дарз кетган вагон таъмирдан чиқарилиб, хизмат муддати узайтирилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, 43 та ёпиқ юк вағони, 47 та

очик вагон ишлаб чиқарилди.

Этиборли жиҳати, корхонада ишлаб чиқарилган юк вагонларининг харидорлари тобора кўпайиб бормоқда. Эрон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон темир йўлчилари унга қизиқиш билдиришмоқдалар. Ҳозирга қадар ишлаб чиқариш 35 фоизга маҳаллийлаштирилди. Республикамиз Президентининг 2005 йил 11 августдаги қарорига мувофиқ, қуёв-механика заводидаги реконструкция ишларининг навбатдаги бошқичида корхонага 120 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция

йўналтирилиши кўзда тутилган. Унга кўра, механика ва қуёв цехи тўлиқ жиҳозланади. Ўн тонналик чўян печлар қурилади. 2015 йилга бориб, корхонада вагон ишлаб чиқариш тўлиқ маҳаллийлаштирилади. Корхона белгиланган қувватда ишлаб, йилига 1200 та вагон ишлаб чиқаради, 1000 тадан 1500 тагача хизмат муддати 10 йилга узайтирилган юк вагонлари капитал таъмирланади.

Айни кунларда корхонада ишлаб чиқарилган вагонлар бежиримлиги, мустаҳкамлиги, 22 йилдан 32 йилгача хизмат қилиши кафолатланганлиги билан МДХ ва Болтиқбўйи давлатларида эътироф қилинаётганлиги вагонсозларимизнинг мақсад сари қатъият билан дадил оидимлаётганларини тасдиқлаб турибди.

Ҳа, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимидаги "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси таркибига кирувчи "Қуёв-механика заводи" ишчи-хизматчилари вагонсозликка асос солиб, бу билан ўзбекистонлик мутахассисларнинг юксак касбий истеъдодини жаҳонга намойиш эта олдилар. Зеро, юрдошларимизга бу имкониятни Истиклол туғфа этди.

Абдулло КҮТЕБИДНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ФАН ВА ТЕХНИКА

янгиликлари

### Самарқанд гречихаси

Самарқанд давлат университети олимлари Ўзбекистон шароитида гречиха етиштириш технологиясини ишлаб чиқишди.

Гречиха дони юқори озуқали ва мазали таъмга эга бўлиб, ундан, асосан, парҳез таомлар тайёрланади. Ушбу таомлар таркибиде 100 га яқин ҳар хил моддалар, шу жумладан, одам организми учун жуда зарур бўлган аминокислоталар мавжуд.

Олимлар минтақанинг туپроқ-иқлим шароити ва экиннинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, гречихани бир йилда икки мартаба акиб, гектарига 18-20 центнергача ҳосил олиш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб бердилар.

### Ҳам арзон, ҳам самарали

Тошкент давлат аграр университетида мева ва узумга уларни қуритишдан олдин электр ишлов бериш қурилмаси синновдан ўтказилди.

Қурилма ёрдамида ҳўл мева, узум ва бошқа мева-сабзавотларни қуритишдан олдин электронмуволафий ишлов бериш йўли билан улардаги тирек ҳужайралар зарарсимлантирилади. Бу билан мева-сабзавотларнинг қуриш жараёни 1,5-2 мартаба қисқариб, энергия сарфи 1,3-1,5 мартабага камаяди. Айни пайтда уларнинг таркибидеги озуқа, минерал ва бошқа моддалар тўласинча сақланиб қолади.

Қурилмадан мевани қайта ишлаш корхоналарида, фермер ва дехон хўжалиқларида ҳўл мева, узум, полис-сабзавот маҳсулотлари, доривор ўтларга уларни қуритиш ва шарбат олишдан олдин ишлов беришда фойдаланиш мумкин.

О. ПАРПИЕВ.

## Ёзги таътил

### Оромгоҳдаги мароқли ҳордиқ

"GM-Uzbekistan" қўшма корхонасининг Фарғона туманидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи айни пайтда ҳар қанонинда гавжум.

Бу ҳушманзара масканда корхона ишчи ва хизматчиларининг 260 нафар фарзанди мароқли дам олмақда. Жорий йилги мавсум охирига қадар 780 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

— Оромгоҳда ҳар кун турли маданий-маърифий тадбирлар, интеллектуал ўйинлар, концерт дастурлари ўтказилади, — дейди бош тарбиячи Ҳаётбек Тўхтаев. — Бундан ташқари, унга яқин тўғарақ, спорт машғулотлари ишлаб турибди. Оромгоҳда чўмилиш ҳавзаси ва спорт мажмуаси, ҳунар тўғарақлари учун мўлжалланган махсус хоналар мавжуд.

### Балажонларга туғфа

Айни кунларда марғилонлик балажонларнинг қувончи чексиз. Гап шундаки, шаҳардаги "Турон" маҳалла фуқаролар йиғинида минг тонна кубометр сув сифимиға эга чўмилиш ҳавзаси ўғил-қизлар ихтиёрига топширилди. Хусусий тадбиркор Мавлуда Кенжабоева сая-ҳаракати билан бунёд этилган мажмура сув иншоотидан ҳозирда шаҳардаги "Истиклол", "Наврўз", "Навбахор", "Янгиобод" маҳаллалари ёшлари ҳам фойдаланишапти.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ.

## КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

Куйидагиларни: ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов ўтказилиши ҳақида ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

оқ рангли енги узун формали кўйлақлар, оқ рангли енги калта формали кўйлақлар, «қум» («песок») рангли ёзги камуфляж кўйлақлар, «соя» («тень») рангли ёзги камуфляж кўйлақлар, ип газлама пайпоқлар.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй. Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 3 август кунни соат 17:00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-81-45, 256-49-60, 281-43-72. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Андижон вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

- Аукцион савдосига Жалақудуқ тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 ноябрдаги 17-0602-9122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жалақудуқ тумани «Ерқишлоқ» ҚФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, «Ерқишлоқ» ил йигирив ва тўқув ҳиссадорлик жамиятига қарашли куйидаги мулклар куйилмоқда:
- А литерда маъмурий бино, фойдаланиш майдони — 1540,69 кв.м., бошланғич баҳоси — 149 904 078 сўм;
- Е литерда тўқув цехи, қурилиш майдони — 11951,5 кв.м., бошланғич баҳоси — 2 283 280 876 сўм;
- З литерда ЖКС (совитиш компрессор хизмати) биноси, қурилиш майдони — 1773,76 кв.м., бошланғич баҳоси — 58 050 333 сўм.

Савдога куйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истигадиги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоси 2009 йил 25 август кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**Талабгорлар диққатига!** Юқоридаги мулклар 2009 йил 25 августдаги савдода сотилмаган тақдирда, мажмур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2009 йил 22 сентябрь кунни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни куйидаги телефон (8-374) 224-48-53 ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин. Савдода қатнашиш истигадиги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги акасалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Аска» банки вилоят бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003. МФО: 00069, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш савдога бир кун қолганда тўхтатилади.

Манзил: Андижон шаҳри, Навой шохкўчаси, 30-уй. Телефон: (8-374) 224-48-53. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 № 000004.



Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга куйидаги хизматларни кўрсатади:

- қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металлларни букиш;
- барча пайвандлаш хизматлари;
- мижоз материалдан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

**GUNWOO**  
ШУЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охириги ишланмалари асосида яратилган **ПОЛИЭТИЛЕН КУВУРЛАРНИ** таклиф этади.

Диаметри 100 мм.дан 1000 мм.гача.

Куйидаги максалларда ишлатилади: суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, санаят, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.

1. Ичимлик суви таъминоти учун босимга чидамли, уч қатламли кувурлар (225-800 мм.)
2. Икки қатламли кувурлар (150-1000 мм.)
3. Бўртмали кувурлар (100-400 мм.)
4. Бўртмали перфорацияланган кувурлар (100-400 мм.)

Бизнинг полиэтилен кувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.

ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.  
ФАКС: (370 71) 715-63-16.  
Тошкент вилояти, Чирчик ш., Қангли к., 16-«А» уй.  
gunwoo@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**

**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**

**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"**

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

**а также:**

**КАФЕЛЬ**  
(облицовочный и напольный)

**САНТЕХНИКА**  
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.  
Торговий магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутре строительного рынка № 127.  
zakamsk-group@mail.ru

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**

**ЭЪЛОНЛАР**

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**233-10-60**  
**236-09-25**  
**232-10-63**  
242-хона

# МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

Бугун эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси, мамлакат равнақига ҳисса қўшиш иштиёқи билан яшаётган юртдошларимизни кўриб, гурурингиз ошади, уларнинг гайрату шижоатига ҳавас қиласиз.

Ҳамқишлоқлари, маҳалладошлари учун чойхонаю гузар, спорт ўйингоҳи бунёд эттирган, муҳтож қўшинисининг оғирини енгил қилиш, эҳтиёжман оилаларга беминнат ёрдам кўрсатиш илҳамида елиб-югурган инсонларга таҳсин-тасанно айтасиз. Ҳўш, уларни руҳлантирган, хайрли амалларга даъват этган нима? Табиийки, бунга жавобан истиқлол ислохотлари, ушбу ислохотларнинг ёрқин самараси, десак асло янглишмаган бўламиз. Зеро, халқ орасида "Яхшиликнинг муқофоти яхшиликдир", деган пурмаъно гап бежиз айтилмаган. Айниқса, мустақиллик йилларида бу нақлнинг амалдаги исботига

Собир Раҳимов туманидаги "Гулзор" маҳалласида янги гузар, Шайхонтоҳур туманидаги "Янги шаҳар", Мирзо Улугбек туманидаги "Шалол" маҳалларида эса болалар спорт мажмуаси қурилиши давом этмоқда. "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда туманлардаги бўлинмалари ҳомийлигида бунёд этилаётган мазкур иншоотлар ҳам пойтахтнинг 2200 йиллиги тантаналари олдидан ишга туширилади. Бундан ташқари, 120 дан ортиқ фуқаролар йилгини ҳудуддаги маҳалла марказлари ва идораларида жорий таъмирлаш ишлари якунланди, 474 та маҳалла ҳудудидидаги кўп



Мамлакатимизда Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани бу борадаги эзгу савъ-қаратларнинг изчил давом этишида муҳим омил бўлмоқда. Зеро, бугун юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий шарт-шароитлар муҳайё қилинган жуда кўплаб спорт қосоналари бунёд этилиб, ёшлар ихтиёрига берилётганлигига барчамиз гувоҳимиз.

# СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК


Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан пойтахтимиз микросида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2003-2008 йиллар мобайнида азим шахримиз бағрида 45 та спорт мажмуаси ҳамда сузиш ҳавзасида бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Шундан турли ТИП-лардаги 18 та спорт қосонаси ва бешта мактаб спорт зали бунёд этилди. 22 та спорт қосонаси эса қайта таъмирланиб, болажонларнинг жисмоний машғулотлар билан доимий равишда шуғулланишлари учун замон талабларига мос қилиб жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 июндаги "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини муостаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ўтган йили пойтахтдаги мавжуд 3 та сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди. Муҳими, бундай кенг қўламли бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Бу йил мустақиллигимизнинг кўлгун ўн саккиз йиллиги, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини катта байрам сифатида нишонлаймиз. Айни вақтда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ана шу шодиёналарни муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. "Тўйга тўёна билан" деганларидек, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари ҳам ушбу саналарни ўзига хос тўйга ила қаршилаш ниятдадилар. Яъни, шу кунларда пойтахтимиздаги 10 та спорт иншоотида, жумладан, 3 та болалар спорт мажмуаси, 6 та сузиш ҳавзаси ҳамда битта мусиқа ва санъат мактабидида бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Улар ҳадемай болажонларни ўз бағрига қабул қилади.

Мирзо Улугбек туманида бунёд этилган Югнакий номи болалар спорт мажмуаси ҳам ёш авлоднинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб улғайиши йўлида амалга оширилаётган хайрли ташаббусларнинг яққол тасдиғидир. Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган мазкур мажмуа қисқа вақт ичида эрта-миз эгаларининг севимли масканига айланиб улгурди. Бу ерда спортнинг бадий гимнастика, гимнастика, футбол, шахмат-шашка, стол теннис, енгил ва оғир атлетика, каратэ каби турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Мажмуага борганимизда, қизгин машғулотлар устидан чиқдик. Кенг, шинам ва ёруғ спорт залида турли ёшдаги



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Болалар спортини

жажжи қизалоқлар бадий гимнастика билан шуғулланаётган, футбол майдонида эса навқирон йигитчалар тўп суришаётган экан. Шахмат-шашка ва стол теннис хоналари ҳам ёшлар билан гавжум.

— Ушбу иншоот фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, шунга қарамай, машғулотларда иштирок этаётганлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди мажмуа директори Камолжон Хайдаров. — Дастлаб иштирокчилар сони 40-50 нафарни ташкил этарди. Бугун эса улар 500 кишидан ошиб кетди. Албатта, бу кўрсаткич давлатимиз раҳбарининг азиз фарзандларимизга ота-

ларча гамжўрлиги самарасидир. Спорт билан шуғулланишда атроф-муҳитдаги манзара ҳам киши руҳиятига ўз таъсирини ўтказди. Шунини инобатга олиб, ҳудудни ободонлаштириш, қўқаламзорлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажмуа раҳбарининг айтишича, машғулотларда қизларнинг иштироки ҳам фаоллашаётган экан. Хусусан, бугун бу ерда 170 нафардан зиёд қизалоқ тарбияланмоқда. Демакки, ота-оналар фарзанд қамолотида спортнинг аҳамияти нақадар катта эканини яхши англаб етмоқдалар.

— Бадий гимнастика машғулотларида беш ёшли қизалоқларни қабул қиламиз, — дейди мураббий Дания Шаахмедова. — Шогирдларим ичида иқтидорлилари кўп. Келажақда улар орасидан юртимиз доврўгини дунёга таратадиган маҳоратли спортчилар етишиб чиқи-

шига ишонаман. Камола Саидова, Леила Мирзаархатова, Лена Кейкина, Даша Сотникова каби жажжи қизалоқларнинг истеъдодини кўрган киши, албатта, бунга амин бўлади.

Мажмуа қошида "Асал" гимнастрада жамоаси ҳам ташкил этилган экан. Фаолиятига эндигина уч йил тўлган бўлса-да, ушбу жамоа республика чемпионатларида юқори ўринларни кўлга киритиб келмоқда.

Оқсаройда шу йил 16 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, "Спорт — соғлом авлод, соғлом келажақ деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади".

Юртимизда спорт соҳасини ривожлантириш йўлида қилинаётган барча хайрли амаллар замирида ҳам шундай эзгу мақсаднинг мужасамлиги қалбимизда гурур ва ифтихор ҳиссини уйғотди.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

бот-бот дуч келаямиз. Айни кунда пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан ва беқиёс ўзгаришлар, янгилашмишлар жараёнини кузатайлик. Ҳозирда 2200 йиллик кўлгун тўйини нишонлаш арафасида турган азим шахримиз ҳеч бир даврда бугунгидек обод бўлмагани, гул-лаб-яшнамагани, шубҳасиз. Юртбошимиз ташаббуси ҳамда дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида кенг микёсда ўтказилиши кўзда тутилган мазкур тадбир олдидан нафақат пойтахтликлар, балки кўпчилик ҳамюртларимиз энгини шимариб, хайрли ишларга бош қўшмоқдалар. Жумладан, пойтахтимиздаги мавжуд 474 та маҳаллада ҳам ушбу кўлгун саҳнага ҳозирлик ишлари қизгин давом этаётти.

қаватли биноларнинг аксариятига ташқи пардоз берилди. Дарҳақиқат, халқимиз эзгу иш йўлида тез жиқшлашди. Кўпчиликнинг боши қовушди-ми, бас, битмайдиغان ишнинг ўзи йўқ. Шу маънода, мустақиллик йилларида юртимизда ҳақар анъанаси яна қадрият даражасига кўтарилди. Юртдошларимиз қалбидида юртин обод қилиш иштиёқи ошди. Хонадонини саришта тутишга, маҳалласини кўркам ва обод этишга одатланган, чоланган каттаю кичик ҳамюртларимиз бугун баҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан боради фаол иштирок этмоқдалар. Бир томондан, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, яна бир томондан, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига қизгин тайёргарлик кўриляётган айни кунларда ҳам пойтахт маҳаллаларида тез-тез ҳақарлар уюштирилмоқда. Оқсоқолу кайвонилар, фуқаролар йиғинлари фаоллар бош бўлган бундай тадбирлар натижасида маҳалларимиз ҳудудига 15 миллион тўлдан ортиқ гул, 200 минг тўлдан зиёд мевали ва манзаралари дарахт кўчатлари ўтказилди, хонадон тураржой бинолари атрофи саришталанди, маийш чикиндилардан тозаланди.

Кейинги йилларда фаолиятимизда ибратли бир тажрибани жорий қилганмиз. Яъни, бугун ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ютуқлари, ўрганишга, оммалаштиришга арзирли жиҳатлари бор. Шу маънода, фуқаролар йиғинлари мутасаддиларини пойтахтимиздаги намунали маҳаллалар фаолияти билан мунтазам таништириб боришга ҳаракат қиламиз. Ана шу жараёнда ҳудудда эътиборга молик бунёдкорлик ишларини амалга оширган, тозалик-саришталик ишларини намунали йўлга қўйган маҳаллалар тажрибасини ҳам оммалаштиряпмиз.

Ҳа, бугун юртдошларимиз қалбидида бунёдкорлик шижоати, яратувчанлик ҳисси, ташаббускорлик иштиёқи жўш урмоқда. Зеро, юртга муҳаббат, элга садоқат туйғуси инсонларни ҳамisha эзгуликка эш қилади. Яшна-яшариб бораётган Тошкентимизнинг бугунги жамолу қиёфаси ҳам ана шу хайрли ташаббусларимизнинг амалдаги ифодасидир.

Жамолдин ШОҲАКИМОВ, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими раиси.

## Қилмиш-қидирмиш

туманларо филиалининг таъминот бўлими оператори Жўрақул Хўжаев қандайдик юмушлар билан банд. Шу пайт унинг ҳузурига мазкур филиалининг фосфорли ўғитлар омбори мудири Улугбек Сайфуллаев кириб келади.

## Одатий иш кунин. Бухородаги «Қишлоқхўжалиқкимё» акциядорлик жамияти «Лоша»

«Юкхати»даги «қабул қилди» ёзуви ёнига фермер хўжалиги вакили Б. Жумаев ўрнига боплаб имзо чекади. Ҳар иккиси ҳам вақти келиб, сир фож бўлса, сохта имзо учун

Улугбек операторга Пешку туманидаги «Мансур» фермер хўжалигининг ишонч қоғози ва шартномасини узатар экан, 14 тоннаю 180 килграмм аммофос минерал ўғити учун рухсатнома ёзиб беришни илтимос қилади. Жўрақул илтимосини ерда қолдирмади. Рухсатномани ёзиб бўлган, таъминот бўлими бошлиғи ўрнига қойил қилиб имзо чекади...

Дарвоқе, Ж. Хўжаев филиалга келтирилган ўғитни шартномага мувофиқ, тақсимот рўйхати асосида тарқатишга масъул қилинган. Шу билан бирга, ҳар бир фермер хўжалиги учун бериладиган ўғит миқдорини ҳамда маҳсулот учун тўлов амалга оширилган-оширилмаганини билиши керак эди. Аммо у «операция» оҳаробосига берилиб, ўз масъулиятини андаккина «ёддан чиқарди».

Нихоят, сир фож бўлди, жиноят очилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашмиш департаменти вилоят бошқармаси ходимлари «Қишлоқхўжалиқкимё» акциядорлик жамияти «Лоша» туманларо филиали ҳамда «Мансур» фермер хўжалигида содир этилган ушбу жиноятни ўз вақтида фож этди. Натижада жиноятчилар қилмишлари учун суд олдида жавоб бердилар.

Истом ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

# СОХТАКОРЛИК ВА ҚИНФИР АМАЛИЁТ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**  
талабалар ётоқхонаси хоналарини замонавий дизайн асосида жиҳозлаш учун қўйидагиларни тайёрлаш юзасидан тендер танлови эълон қилади:

- юмшоқ қаравот;
- китоб жавони;
- тумба;
- кийим жавони;
- ёзув столи;
- стул.

Тендер танловида қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Танловнинг алоҳида шартини: жиҳозлар 2009 йилнинг 25 августига қадар тайёрланиб, ўрнатилиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-66-36, 236-15-23.  
Ички телефонлар: 115, 116, 205.

**ОБ-ҲАВО (22 июль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 38-40 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**«Росагропромснаб» МЧЖ**

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЭК фильтрлари, ИЗО муфтлари

Маҳсулот сертификатланган.

**Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**  
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор маҳалласи, Ц-дахиси, 6-уй.  
Мўлжал — «Шухрат» дўконини жойлашган чорраха.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нурханда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.05

• МАЎЗИЛИМИЗ:  
10000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов,  
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров,  
Навбатчи — З. Жонбеков,  
Мусаҳҳах — Ҳ. Тошқужаев.

Тошпирилди — 02.35

1 2 3 4 5 6 7 8 9